

## **Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил ҳисоботи**

**2023 йилда** диний-маърифий соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Дин ишлари бўйича қўмита томонидан Давлат дастурида белгиланган вазифалар, шунингдек соҳага доир ишлаб чиқилган йиллик режа ва дастурлар ижроси тўлиқ бажарилди.

Шунингдек, мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш ва диний вазиятни янада соғломлаштиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди.

2023 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “**Диний бағрикенглик**” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида қарори қабул қилинди ҳамда **161 нафар** давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари **ушбу** кўкрак нишони билан тақдирланди.

Диний-маърифий соҳа фаолиятига оид норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш йўналишида **1 та** Ўзбекистон Республикаси Қонуни, **1 та** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, **3 та** Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ва **3 та** Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда “**Жаҳолатга қарши маърифат**” билан курашиш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Шунга кўра, ушбу йўналишда **2700 та** давлат ва жамоат ташкилотларининг **9 728 нафар** раҳбарлари, **413 250 нафар** давлат хизматчилари, **46 987 нафар** тадбиркорлар, **5 762 нафар** хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, **94 та** олий таълим муассасаларининг **22 180 нафар** талаба ва педагоглари, **7 086 та** умумтаълим мактабларининг **1 млн 103 минг нафар** мактаб ўқувчилари билан маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Тизим ташкилотлари билан ҳамкорликда **мутаассиблик, радикал ғоялар ва экстремизм** руҳидаги ахборотларга қарши **12 219 та** (*5 101 та видео, 4 743 та мақола, 1 557 та аудио, 818 та инфографика*) **раддия** мазмунидаги материаллар тайёрланиб, тарқатилди.

Ҳисобот даврида диний-маърифий йўналишдаги меъросимизни ўрганишга оид **35 нафар PhD** илмий диссертация ҳимояси амалга оширилди.

2023 йилда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва диний таълим муассасаларида **700 га яқин бакалавр ва магистр** мутахассис кадрлар тайёрланди.

Шунингдек, Малака ошириш маркази ва унинг филиалларида **4512 нафар** давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбар-ходимларининг малакаси оширилди.

Бугунги кунда республика бўйича **2 131 та** масжид фаолият юритмоқда, 2023 йилда **13 та янги масжид** давлат рўйхатидан ўтказилди, **82 та** масжидда тубдан қайта қуриш ҳамда **43 та** масжидда таъмирлаш ишлари якунланди. Ҳозирда **267 та** масжидларда қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Айни пайтда республикамизда **197 та** ноисломий диний ташкилот фаолият юритиб келмоқда. 2023 йилда **Ангрен шаҳрида католик черкови** давлат рўйхатидан ўтказилди.

Конфессиялар вакилларининг ҳамкорлигини мустахкамлаш мақсадида уларнинг **50 дан ортиқ** республика ва халқаро тадбирларда иштироки таъминланди. Шунингдек, ноисломий диний конфессияларга **14 та** диний байрамларини ўтказишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Хисобот даврида Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда тизим ташкилотлари вакиллари, ўзбекистонлик исломшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг **424 та** диний-маърифий соҳага оид халқаро тадбирлардаги **иштироки таъминланди**.

Шунингдек, Дин ишлари бўйича қўмита билан Бирлашган Араб Амирликларининг Экстремизм ва зўравон экстремизмга қарши курашиш бўйича “Хидоя” ҳамда Қатар давлатининг “Доҳа динлараро мулокот” халқаро марказлари ўртасида ҳамкорликка оид Англашув меморандумлари имзоланди.

2023 йилги Ҳаж мавсуми ва Умра зиёратлари юқори савияда ташкил этилди. Хусусан, **15 150 нафар** зиёратчи Ҳаж амалини, **43 мингдан** ортиқ зиёратчи Умра амалини адо этди.

Буюк алломаларимиз бой илмий меросини кенг тарғиб қилиш ва зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида **24 та** альбом-проспект, китоб, рисола, брошюра ва флаерлар чоп этилди ҳамда зиёратгоҳ, тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этилди.

2023 йил давомида соҳа ходимлари томонидан интернет сайтларда **171 538 та**, босма нашрларда **2 216 та**, радиода **2253 та** ва телевидениеда **3 557 та** илмий жиҳатдан асосланган чиқишлилар қилинди.

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг ўз вақтида кўриб чиқиши юзасидан ишлар тизимли тарзда ташкил этилди.**

Қўмитага келиб тушган **1 716 та** мурожаатлардан **1 135** тасига ҳуқуқий маълумот берилди, **396** таси ижобий ҳал қилинди, **132** таси

*(диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиши учун ҳужжатларда қўрсатилган камчиликлар сабаб) рад этилди, 53 та мурожаат “Жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги” қонуннинг 25-моддасига асосан тегишлилиги бўйича ваколатли давлат органларига йўналтирилди ва 18 таси бўйича ўрганиш жараёни давом этмоқда.*